

## ШАҲАР МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИГА ОИД НАЗАРИЯЛАР ТАҲЛИЛИ

**Tursunov Asror Allanazarovich**

*Axborot texnologiyalari va menejment universiteti v.b.professori*

**Tursunova Fayyoza**

*Axborot texnologiyalari va menejment universiteti magistranti*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада шаҳар маданияти ривожланишининг асосий омилларига оид назариялар таҳлил қилинган. Урбанизация, иқтисодий, ижтимоий-маданий, экологик ва модернизация назариялари асосида шаҳар маданиятининг шаклланиши ва тараққиётига таъсир этувчи омиллар ёритиб берилган. Шунингдек, шаҳар маданиятининг жамият тараққиёти, ижтимоий муносабатлар ва маданий қадриятлар тизимидаги ўрни илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Тадқиқот натижасида шаҳар маданияти ривожланиши кўп омилли ва мураккаб ижтимоий жараён эканлиги асослаб берилган.*

**Калит сўзлар:** *шаҳар маданияти, урбанизация, модернизация, ижтимоий-маданий тараққиёт, иқтисодий омиллар, шаҳар экологияси, урбанистик жараёнлар, маданий инфратузилма.*

**Аннотация:** *В данной статье анализируются теории, касающиеся основных факторов развития городской культуры. Рассматриваются урбанизационная, экономическая, социально-культурная, экологическая и модернизационная теории, раскрывающие влияние различных факторов на формирование и развитие городской культуры. Также анализируется роль городской культуры в общественном развитии, системе социальных отношений и культурных ценностей. В результате исследования обосновано, что развитие городской культуры является сложным и многофакторным социальным процессом.*

**Ключевые слова:** *городская культура, урбанизация, модернизация, социально-культурное развитие, экономические факторы, городская экология, урбанистические процессы, культурная инфраструктура.*

Шаҳарсозлик маданиятининг илк марказларини тадқиқ этган олимларнинг хулосаларига кўра, илк шаҳарларнинг шаклланишига олиб келган ижтимоий ва иқтисодий сабаблар аввало, марказлашган иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятнинг уйғунлашувига, ижтимоий табақаланиш ҳамда иқтисодий ихтисослашишга бевосита боғлиқ бўлган. Ҳшбу омиллар шаҳарларнинг тарихий-маданий марказлар сифатида аҳамиятини ошириб, уларнинг яна ҳам юксалишига туртки бўлади. Бу уч сабаб ўзаро таъсирга киришган Яқин ва Ўрта Шарқда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мураккаб жамиятнинг шаклланиши содир бўлади. Иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар, ижтимоий табақаланиш ва ҳокимиятнинг янада марказлашуви ўтроқ масканларда савдо-сотик, хунармандчилик ишлаб чиқариш ва бошқарувда банд бўлган одамларнинг яшаши учун зарур бўлган кўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ривожланишига таянади. Бу ўринда шаҳарларнинг турли вазифаларни бажарувчи марказлар сифатидаги аҳамияти айниқса бекиёсдир<sup>1</sup>.

Таъкидлаш ўринлики, жамият тараққиёти жараёнлари тарихининг ҳамма босқичларида шаҳарлар ҳал қилувчи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўрин тутиб келган. Шаҳарларнинг ривожланиш қонуниятларини таҳлил қилиш зарурияти масалани ҳал қилишнинг ҳар томонлама хусусиятларини белгилаб бера олади. Эътибор бериш муҳимки, демограф олимлар асосан шаҳарлардаги ижтимоий ҳолатни, аҳолининг таркиби ҳамда ўсиш даражасини тадқиқ этсалар, географлар урбанизация жараёнларининг табиий-географик омилларини, унинг ривожланиш маконини ўрганадилар.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг айнан шаҳарларда марказлашиш йўллариини ўрганишга, урбанизация жараёнининг алоҳида таркибий қисмлари ўртасидаги алоқалар тизими ҳамда иқтисодий вазифаларнинг ривожланишига иқтисодчилар асосий эътиборни қаратадилар. Шунингдек, шаҳар тараққиёти билан боғлиқ мураккаб масалаларни меъморлар ва социологлар ҳам ҳал қиладилар. Тарихчилар эса шаҳарларнинг ривожланиш қонуниятларини тарихий жиҳатдан ҳар томонлама очиб беришга ҳаракат қиладилар.

---

<sup>1</sup> Дьяконов И.М. Общественный и государственный строй Древнего Двуречья. Шумер. – М.: Вост. лит., 1959. – С. 36-41.

И.М.Дьяконовнинг таъкидлашича шаҳарларнинг марказлар сифатидаги аҳамиятини ўрганиш жараёнида ижтимоий-иқтисодий тузумлар ва уларнинг ўзгариши тадқиқотнинг асосини ташкил этади. Чунки, урбанизация жараёнининг ривожланиш босқичи бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан бошқа бир ижтимоий-иқтисодий тузумга ўтилишига қараб ўзгариб туради. Тадқиқотчининг ёзишича, шу сабабли шаҳарларнинг вужудга келиш шарт-шароитлари, уларнинг муайян тузилиши ва бажарган вазифалари, ривожланишидаги умумий ва хусусий омилларни очиб берувчи манбаларга муурожаат этиш алоҳида аҳамият касб этади<sup>2</sup>.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида урбанизация жараёнларининг вужудга келишига доир ёндашувларни таҳлил қилган В.М.Массон ўз қарашларини илгари сурган. Тадқиқотчининг фикрига кўра, шаҳарларнинг атроф ҳудудларга хизмат кўрсатиш ва таъминлаш ҳамда ўз-ўзини таъминлаш вазифаси улар типологиясининг негизи ҳисобланади. Кўплаб вазифа бажарувчи марказларда улардан бир-иккитаси асосий вазифа бўлиши мумкин. Тадқиқотчи шаҳарларни қуйидаги гуруҳларга бўлади: атрофдаги қишлоқ хўжалик ҳудудлари маркази; савдо-хунармандчилик маркази; ҳарбий-маъмурий марказ; маданий-мафкуравий марказ<sup>3</sup>. Фикримизча, бу жиҳатларнинг ҳар бири шаҳардаги мавжуд аҳоли машғулотларини аниқ таҳлил қилиш орқалигина аниқланади.

Шунингдек олим, Жанубий Туркманистонда шаҳарларнинг вужудга келишига сабаб бўлган қуйидаги омилларни қайд этган:

- турлича ишлаб чиқариш фаолияти;
- зироатчи аҳолининг ўсиши, демографик сабаблар;
- хунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши;
- жамиятда ижтимоий табақаланишнинг пайдо бўлиши;
- кенг миқёсда қишлоқ хўжалик ишларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш заруратидан келиб чиққан бошқарув тизимнинг шаклланиши;

<sup>2</sup> Дьяконов И.М. Проблема города в Вавилонии II тыс. до н.э. // Тезисы докладов Всесоюзного симпозиума. – Ереван.: АН АрмССР, 1969. – С.18-21.

<sup>3</sup> Массон В.М. Типология древних городов и исторический процесс // Древние города . Л.: Наука, 1977. – С. 5-7.

– транспорт воситаларининг вужудга келиши, ташқи иқтисодий-маданий алоқаларнинг ривожланиши<sup>4</sup>.

Ўтган асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб минтақада шаҳарларнинг шаклланиш хусусиятларини ўрганиш долзарб вазифага айланиб, илк шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг даврлаштириш муаммоси илмий доираларга тортилди. 1980-1990 - йилларда Мурғоб воҳаси (Марғиёна), Шимолий Афғонистон ва Жанубий Ўзбекистон (Сўғдиёна ва Бактрия)да амалга оширилган археологик тадқиқотлар бронза даври шаҳарларининг шаклланиш хусусиятлари тўғрисида билимлар доирасини анча кенгайтириб, янгича илмий қарашлар ва ёндашувларнинг юзага келишига асос бўлди. Аввалгидек, илк шаҳарларнинг шаклланишида деҳқончилик хўжалигининг ривожини, металлчиликнинг кашф этилиши, ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланиши муҳим омиллар ҳисобланди, аммо, шу билан бирга Гонур, Сополли, Жарқўтон каби марказларнинг тадқиқ этилиши натижасида шаҳарларнинг турли туманларда миграциялар, яъни, аҳоли кўчиш туфайли пайдо бўлиши тўғрисидаги масала кўтарилди<sup>5</sup>.

Яқинда ушбу масалага эътибор берган И.Йўлдошевнинг таъкидлашича, Фарғона водийсида зироатчи аҳоли сонининг босқичма-босқич ўсиши натижасида “унинг жойлашиш ҳудудлари кенгайиб, аҳолининг аралаш жойлашуви, яъни ҳудудий кўшниччилик жамоалари вужудга келган”<sup>6</sup>. Бу жараён оқибатида, турли ижтимоий-иқтисодий муносабатлар туфайли, водийда шаҳарсозлик маданияти ривожланган. Ушбу хулосага тўлиқ кўшилиш мумкин.

Бинобарин, Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида Қадимги Шарқ ҳудудлари сингари илк урбанизация жараёни ишлаб чиқарувчи хўжаликлар, аҳолининг аралаш жойлашуви, янги ҳудудий алоқалар (ҳудудий кўшниччилик жамоалари вужудга келиши) тамойилларига асосланиб ривожланган.

Сўнги бронза ва илк темир даврининг бошларида Жанубий Туркманистонда хом ғиштдан қурилган баланд пойдеворларга эга қароргоҳлар

<sup>4</sup> Массон В.М. Алтын-Депе ... – С. 119-120.

<sup>5</sup> Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Узбекистане. – М.: Наука, 1977; Сарияниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат: Ўлим, 2002.

<sup>6</sup> Йўлдашев И.Т. Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи.: Тарих. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент. ЎЗМУ, 2011. - 16 б.

ва уларнинг атрофида уй-жойлардан иборат мудофаа деворлар билан ўралмаган марказлар вужудга келган (Ёзтепа, Аравалитепа). Ҳшбу белгиларга кўра, улар бронза даври бинокорлик анъаналарини такрорлайди (маълумки, Даштли-3, Жаркўтон каби ёдгорликларда шаҳар мудофаа деворлари мавжуд эмас)<sup>7</sup>.

Илк темир даврига келиб Марғиёна, Бактрия ва Суғд худудларида мустаҳкамланган ички қалъа ва мудофаа деворлар билан ўралган йирик марказлар пайдо бўлган (Ерқалъа, Олтиндилёртепа, Қизилтепа, Афросиёб, Ҳзунқир, Ерқўрғон, Кўктепа). А.С.Сагдуллаевнинг фикрига кўра, бу шаҳарларнинг мукамал мудофаа тизимини инобатга олган ҳолда, улар маъмурий ва ҳарбий марказлар вазифасини бажарган, яъни, ҳарбий таҳдидлар пайтларида атрофдаги зироатчи аҳоли учун бошпана бўлган<sup>8</sup>.

Илк шаҳарларининг асосий вазифаларидан бири – ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва аҳолига етказиб беришдан иборат эди. Илк темир даврига келиб, ҳунармандчилик ишлаб чиқариш маъмурий-ҳарбий марказларидан ташқарида махсус масканларда жойлашган.

Илк шаҳарлар масаласига аниқ тарихий ёндашув натижасида шу нарса маълум бўладики, турли ижтимоий-иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб шаҳарлар турлари, уларнинг мавқеи ҳамда бажарадиган вазифалари ҳам турлича бўлиши мумкин. Бу ҳолат шаҳарларни ишлаб чиқаришнинг маълум соҳасига ихтисослашувидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга ҳам боғлиқдир. Шу ўринда шаҳар марказларининг асосий вазифаси – атроф деҳқончилик худудларининг маркази сифатидаги аҳамияти кўпроқ кузатилади.

1. Кенг савдо-алмашинув жараёнларидан дарак берувчи ва ўша худуд маданиятига хос бўлмаган сопол, суяк, тош, металл буюмлар ва қимматбаҳо тошларнинг мавжудлиги.

2. Тошга нақш ўйиш санъати (глиптика), балки, ибтидоий ёзувнинг мавжудлиги<sup>9</sup>.

<sup>7</sup> Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры... – С. 30.

<sup>8</sup> Сагдуллаев А.С. Становление раннебактрийской и раннесогдийской государственности Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 2009. – Т.1. – С. 76-78.

<sup>9</sup> Асқаров А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура... – С. 20.

Ушбу муаллифларнинг таъкидлашича, юқоридаги археологик белгилардан биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва еттинчи белгилар асосий бўлиб, қолганлари иккинчи даражали ҳисобланади<sup>10</sup>.

Тарихий тадқиқотлардан маълумки, деҳқончилик маданияти ёйилган ҳудудларда ҳаётини муҳим маҳсулотлар билан етарлича таъминланмаган ҳудудлардан босқинчилик ҳужумлари уюштирилиб турилган. Ҳудудни ва ўзини муҳофаза қилиш мақсадида зироатчи аҳолини бирлаштириш, ички ва ташқи муносабатларни тартибга солиш, иқтисодий манфаатларини амалга ошириш зарурати туфайли бошқарув тизими пайдо бўлади. Бунинг натижада, қалъа-шаҳарлар, маъмурий пойтахт шаҳарлар, карвон йўлларида савдо ва ҳунармандчилик марказлари, фойдали қазилмалар конлари яқинида маъданлар қазиб олиш ва қайта ишлаш масканлари пайдо бўлади<sup>11</sup>.

Фикримизча, бу ўринда ривожланган ижтимоий тизим вужудга келган даврдаги шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Хусусан, маъмурий, сиёсий, баъзан мафкуравий вазифаларни ўзида мужассамлаштирган ҳудудларнинг марказлари пойтахт шаҳарга бўйсунган ва ундан фақат ўлчамлари билан фарқланган шаҳарлар бўлган. Катта ҳудудларда ёки хўжалик юритиш соҳасидаги вазиятга қараб кичик минтақаларнинг марказларига мос келган ёки мос келмаган савдо-сотиқ марказларини, савдо тармоқлари ва фойдали қазилмалар конлари яқинида жойлашиб, мустақил ҳудуд бўлиши мумкин бўлган ҳунармандчилик марказларини ва ниҳоят, асосан ҳудудни ҳимоя қилиш вазифасини бажарган чегараларда қалъа шаҳарларни ажратиш мумкин<sup>12</sup>.

Шаҳарларнинг асосий вазифалари маълум бир ҳудуднинг тарихий-маданий ривожланиши жараёнида ўзгаришсиз қолмаган ва унинг тараққиётига таъсир этувчи омиллар мажмуи: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, демографик ва ниҳоят экологик омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган дея таъкидлайди В.М.Массон<sup>13</sup>. Бизнингча, ушбу омилларнинг таъсирига қараб алоҳида

<sup>10</sup> Асқаров А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура... – С. 13.

<sup>11</sup> Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б. 31-55.

<sup>12</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент: Фан, 1982. – С. 13.

<sup>13</sup> Массон В.М. Процессы урбанизации в древней истории Средней Азии // Древний город Средней Азии. – Л.: Наука, 1973. – С. 66.

шаҳарларнинг ~~стакчи вазифалари~~ кўшилиши ёки ажралиши мумкин бўлган. Масалан, савдо тармоқларининг йўналиши ўзгарган пайтларда савдо-сотик ва хунармандчилик марказлари гуллаб яшнаган ёки инқирозга учраган, ҳудудий чегаралар ва сиёсий барқарорлик ўзгарган тақдирда чегаралардаги қалъа шаҳарлар янада мустаҳкамланган ёки бутунлай ташлаб кетилган, географик шароит ўзгарган ҳолатларда шаҳарлар пайдо бўлган ёхуд бутунлай ташлаб кетилиб, маълум ҳудудларга кўчган.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Tursunov, Asror, and Farxod Urakov. "HISTORY OF PILGRIMAGE TOURISM IN THE KASHKADARYA REGION DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE." *International Journal of Artificial Intelligence* 1.1 (2025): 423-428.

2. Allanazarovich, Tursunov Asror. "THE ROLE OF THE REPUBLICS OF UZBEKISTAN AND KAZAKHSTAN IN THE TRANSITION OF INTERNATIONAL EVENTS." *Международный научный журнал* 2.1 (2025): 59-62.

3. Турсунов, Асрор Алланазарович. "ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ-ПРИОРИТЕТНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА." *ВЫСОКИЕ ТЕХНОЛОГИИ, НАУКА И ОБРАЗОВАНИЕ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ*. 2020.

4. Allanazarovich, Tursunov Asror. "Cultural Relations Between Uzbekistan and the Republics of Kazakhstan During Independence." *Czech Journal of Multidisciplinary Innovations* 10 (2022): 59-62.

5. Tursunov, Asror. "ANALYSIS OF THE DEVELOPMENT PROCESSES OF THE TOURISM SECTOR IN QASHQADARYO REGION DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE." *International Journal of Artificial Intelligence* 1.1 (2025): 415-422.

6. Tursunov, Asror, and Maftuna Cho'liyeva. "FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE LEGAL FRAMEWORK OF THE NEIGHBORHOOD SYSTEM DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE." *International Journal of Artificial Intelligence* 1.1 (2025): 391-394.

7. Tursunov, Asror, and Maftuna Cho'liyeva. "UPBRINGING OF A PERFECT PERSON IN THE TEAM AND ITS TRADITIONS." *International Journal of Artificial Intelligence* 1.1 (2025): 401-404.
8. Tursunov, Asror, and Nilufar Botirova. "HISTORY OF THE SOCIO-POLITICAL DEVELOPMENT OF THE CHOCH OASIS IN THE 6TH-8TH CENTURIES." *International Journal of Artificial Intelligence* 1.1 (2025): 611-616.
9. Саидов, Бахтиёр. "Новый Узбекистан начинается с порога школы, 19 января 2022.[Электронный ресурс]." *Режим доступа: yuz. uz/(дата обращения: 23.03. 2022).*
10. Shavkat o'g'li, Nomozov Xurshid. "AXBOROT XURUJI VA OGOHLIK TUSHUNCHASI MAZMUN-MOHİYATI." *CONFERENCE OF ADVANCE SCIENCE & EMERGING TECHNOLOGIES*. Vol. 1. No. 7. 2026.
11. NOMOZOV XURSHID SHAVKAT O'G'LI. "INTERNET-MAKON MOHIYATI, GENEZISI VA ZAMONAVIY TARKIBI." *TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G 'OYALAR* 1.2 (2024): 48-51.
12. NOMOZOV XURSHID SHAVKAT O'G'LI "AXBOROT XURUJINING O'SMIRLAR HAYOTIGA TA'SIRI." *QO'QON UNIVERSITETI XABARNOMASI* (2023): 1285-1287.
13. Nomozov, Xurshid (2024). JAMIYATDA INTERNET-MAKON KONTENTLARI TA'SIRIDA SODIR BO 'LAYOTGAN NEGATIV IJTIMOYILASHUV SHAKLLARI. *TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G 'OYALAR*, 1(2), 52-58.
14. Xurshid, Nomozov. "AXBOROT XURUJLARINING MANBALARI, ULARNING IJTIMOY MUHITDA AMALGA OSHISH USULLARI." *Ta'limda raqamli texnologiyalarni tadbiq etishning zamonaviy tendensiyalari va rivojlanish omillari* 41 (2025): 632-636.
15. Niyazov Sobirjon. "EKOESTETIK TAFAKKURNING GNOSEOLOGIK JIHATI VA PRAKSIOLOGIK QIYMATI." *SHOKH LIBRARY* (2025).
16. Niyazov Sobirjon. "EKOESTETIK TAFAKKURNING NAZARIY JIHATLARI VA PRAKSIOLOGIK AHAMIYATI." *TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR JURNALI* 1.5 (2025): 140-146.

17. Ниёзов, С. С. "Перспективы развития экотуризма в Узбекистане." *Актуальные вопросы гуманитарных наук: теория, методика, практика*. 2022.

18. Jalilov, Ikhtiyor. "National "Kurash": History and Contemporary (On the Example of the Uzbek People)." *Procedia of Social Sciences and Humanities* 1 (2021): 360-363.

19. Xurshid, Abdullayev. "GLOBAL MUAMMOLAR VA ULARNI BARTARAF ETISH YO 'LLARI." *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi* 19.1 (2025): 299-303.

20. O'G'Li, Nomozov Xurshid Shavkat. "YUKSAK AXBOROT MADANIYATI-INTERNET-MAKON RESURSLARIDAN RATSIONAL FOYDALANISH SHARTI." *Research Focus* 2.6 (2023): 105-110.

21. Sayxonovna, Maksadova Mexriniso, and Ismatova Oyimsiluv Rahimberdiyevna. "TALABA YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI." *TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR JURNALI* 2.6 (2026): 105-109.

22. Sayxonovna, Maksadova Mexriniso. "PEDAGOGIK MULOQOTNING VA UNING O 'ZIGA XOS PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI." *TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR JURNALI* 2.6 (2026): 121-126.

23. Kenjayev, Zarmamat, Megliyev Azamat, and Jalilov Ixtiyor G'aniyevich. "NOGIRONLIGI BO 'LGAN SHAXSLAR HUQUQLARI: INKLYUZIV JAMOAT SARI." *TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR JURNALI* 2.6 (2026): 82-86.

24. Kenjayev, Zarmamat, Abdullayev Xurshid, and Jalilov Ixtiyor G'aniyevich. "INSON HUQUQLARI VA MAJBURIY MEHNAT." *TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR JURNALI* 2.6 (2026): 100-104.

25. Kenjayev, Zarmamat, Tog'aymurodov Donyor, and Jalilov Ixtiyor G'aniyevich. "RAQAMLI DAVRDA INSON HUQUQLARI: SHAXSIY MA'LUMOTLAR DAXLSIZLIGI VA SO 'Z ERKINLIGI MUAMMOLARI"." *TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR JURNALI* 2.6 (2026): 94-99.

26. Nomozov, Xurshid. "INTERNET-MAKON MOHIYATI, GENEZISI VA ZAMONAVIY TARKIBI." *Farg'ona davlat universiteti*, (3) (2023): 67-67.

27. Nomozov, Xurshid. "INTERNET-MAKON RESURSLARIDAN FOYDALANISH SOHALARI." *Development and innovations in science 2* (2023): 8-14.

28. Omonov, Bakhodir. "The Expression of Geopolitical Knowledge in the Works "the City of Virtuous People" and "India"." *JournalNX* 9.6 (2023): 16-20.

29. OMONOV, Bahodir. "'DASTUR UL-MULUK" VA "SADDI ISKANDARIY" ASARLARIDA GEOSIYOSIY QARASHLAR." «*ACTA NUUZ*» 1.1.2 (2024): 180-183.

30. Omonov, Bakhodir. "The use of water resources in the center of environmental policy in the region." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.